

**ЎРТА ОСИЁДА АЁЛЛАР МАНАВИЯТИ ВА ЖАМИЯТ ТАКОМИЛЛАШУВИ****Муҳиддинова Нодира**

Ўзбекистон миллий педагогика университетининг 2 - босқич талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19884850>

Жаҳоннинг таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялаш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам Ўрта Осиё тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш, уни манбалар асосида илмий асослаш ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли таълим муассасалари – Германия, Франция, АҚШ ва Японияда таълим-тарбия назарияси муаммолари марказ ва хусусий ташкилотлар, университет, педагогик тадқиқот марказларида шарқшунослик бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириб бориш билан ҳамоҳанг педагогика тарихини ўрганиш борасида инновациявий ислохотлар амалга оширилмоқда. Қадриятларимизни, маънавий-ахлоқий, фалсафий ҳамда педагогик меросимизни, халқ таълимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини асл манбалардан ўрганиш, педагогика назарияси ва тарихи кўламини объектив маълумотлар асосида бойитиш, педагогик тафаккуримизни ривожлантириш имкониятини янада кенгайтиришнинг методологик асослари яратилди.

Республикамызда сўнги йилларда таълим муассасаларида Ўрта Осиё халқларининг ўтмишини ўрганиш ва унда аёлларнинг тутган ўрни, мақоми ва албатта, маърифати даражасини аниқлаш, ўша даврнинг маданияти ва маънавиятини ҳам белгилашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бугунги кунда “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” устувор вазифа этиб белгиланган.

Шу ўринда, бугунги Марказий Осиё аёлининг жаҳон миқёсида топаётган шуҳрати, уларнинг илм соҳасида, иқтисодиёт, маънавий-маърифий соҳада қилаётган меҳнатлари, юрт тараққиётига қўшаётган сезиларли ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб, аёлларнинг ўтмишда ҳам шундай аждодлари борлигини фахр ва ғурур туйғусига айлантирилмоқда.

Бугунги замон ривожланиш манзарасига назар ташланса, унда албатта ўтмиш тажрибаси, аждодларимиз қолдирилган бой маънавий мерос сабоқлари, албатта, ўзининг ўрнига эга эканлигини кўриш мумкин. Шу маънода, бугунги таълимнинг ўтмишдаги мазмун-моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни ва энг муҳими қадим замонларда аёллар таълимига бўлган эътибор, эҳтиёж қандай эканлиги, илм доирасида катта аҳамият касб этмоқда.

Қадимги даврларда учта қитъа - Европа, Африка ва Осиё ҳудудларини бирлаштирган бугунги шарқий мамлакатларнинг улкан ҳудудида турли халқ ва элатлар, дин ва маданият вакиллари ҳаёт кечириб, инсоният тамаддунида ўчмас из қолдирган.

Улар жумласида, тарих саҳифаларида турли номлар билан муҳрланган Ўрта Осиё географик бирлигида яшаб келган халқ ва миллатлар ҳам бой маданий ва маънавий мерос яратувчилари сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Бизнинг давримизда Ўрта Осиё ҳудудида жуда кўп умумийликларга эга бўлган халқлар яшайди ва

ушбу мустақил мамлакатлар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондир.

Ушбу ҳудудда миллатлар ва элатларнинг кўп асрлик бирга яшаши уларнинг педагогик меросини бойитишга олиб келди. Уларнинг барчаси учун маънавий бойлик, миллий қадриятлар, ахлоқ ва одоб масалалари ҳамиша ҳаётий аҳамиятга эга бўлган. Ўзбек, қозок, қирғиз, тожик ва туркман тилларида сўзлашадиган кўплаб халқларнинг вакиллари ўтмишда ўзларининг адабий ва илмий асарларини ҳатто туркий, араб ва форс тилларида ҳам ёзганлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, “Ўзбек педагогикаси тарихи” янгича контекстда ўрганила бошланди. Бу эса, педагогика тарихини концептуал ёндашувларга асосланган ҳолда ёритиш имконини берди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ўзбек педагогикаси тарихи”ни назарий жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ўрганиш ўзбек халқи педагогик тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари ва таълим-тарбиявий имкониятларини очиш имконини беради. Ўзбек халқига хос менталитет, ахлоқ-одоб, маънавият, эътиқод сингари мураккаб тушунчалар қай йўсинда пайдо бўлганлигини тарихий-педагогик манбаларга таянган ҳолда назарий жиҳатдан асослаб беришга йўналтирилган. Қадимда Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон деб аталган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида педагогика инсон интеллектуал фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида энг қадим даврларда Авесто ва Урхун-Енесей ёзма ёдгорликлари заминидан пайдо бўлганлиги тарихий манбалардан аён бўлмоқда. Урхун-Енесей ёзма ёдгорликлари мазмунидан аён бўладиги, ўша даврдаёқ аждоқларимиз ватанпарварлик тарбияси, ҳарбий таълим соҳасида кенг қўламли ишларни олиб борганлар. Ёшларни хушёрликка, ўз ерини эъзозлаш ва унинг дахлсизлиги учун курашга чорлаганлар.

Маърифатпарварлик ва жадидчилик даври ҳамда улар вакиллариининг фаолияти ҳақида Ўзбекистонлик олимлардан А.Зуннунов, К.Ҳошимов, С.Нишонвалар томонидан ёзилган дарслик, ўқув қўлланмалар, монографик рисоалар, диссертациялар ва даврий матбуотларда нашр этилган мақолаларда муаммонинг маълум бир қисмлари қамраб олинган. Марказий Осиё халқларининг Шарқ уйғониш даври маданияти, миллий қадриятлари ва мутафаккирларнинг илмий мероси, уларнинг тарбиявий аҳамияти каби масалалар таниқли олимларимиз Ж.Йўлдошев, С.Нишонава, Н.Ортиқов, О.Мусурмонова, Ж.Ҳасанбоев, Б.Қодиров, У.Алеуов, М.Салаева, Н.Эркабоевалар томонидан тадқиқ этилган, ўзбек педагогикасини янгича ёндашув асосида даврлаштириш масаласи педагог олимлар томонидан Р.Жўраев, Р.Сафарова, Х.Ибрагимовлар «Педагогика фани концепцияси»да педагогика тарихини янгича контекстда даврлаштиришга оид ёндашувни илгари сурдилар.

Тарихий давр нуқтаи назаридан, маърифатпарварлик ва жадидчилик даври ҳамда улар вакиллариининг фаолияти ҳақида педагогик муаммо сифатида, кўп илмий изланишлар ва фундаментал тадқиқотлар амалга оширилган. Муаммо нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни республикалар ва хорижда ҳам олимларнинг ўрганиш объектига айланган. Аммо, маърифатпарварлик давридаги аёлларнинг аёллар дунёвий таълимини жорий этиш йўлидаги фаолияти ҳалигача мукамал ўрганилмаганича қолиб кетган. Бу борада муаллифлар З.Абдирашидов, В.Кочаров, А.Мухтаров, Н.Остроумов, М.Қодирова, А.Расуловлар томонидан ёзилган монографик рисоалар, диссертациялар ва даврий матбуотларда нашр этилган мақолаларда эса муаммонинг маълум бир қисмлари қамраб олинган.

Ушбу тадқиқот ишида жади́дчи аёллар ва уларнинг дунёвий билимларни қўллаб-қувватлашдаги роли ҳақида батафсил маълумот берилган, айниқса, ўша даврдаги аёлларнинг ташвишли тақдири асарлар таҳлили асосида очиб берилган. Жади́дчилик ҳаракатлари авж олган пайтда мактабдор аёллар ва уларнинг таълим-тарбияни, айниқса миллий тарбияни ёшлар онгига сингдириш ҳамда миллий ўзликни сақлаб қолиш борасидаги таклифлари педагогик жиҳатдан таҳлил этилди.

Ўтмишда бошқа, айниқса, Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Шарқдаги аёллар жамиятда ўзларининг алоҳида мавқеига эга бўлганлар. Тузумлар ривожланган сари, нутқнинг ривожланиши билан аёлларнинг ёзиш, мадҳ этиш каби қобилиятлари қатъий эпитет олади. Кўпгина манбалар аёлларнинг ҳаётдаги ўрни, жумладан, уларнинг таълими ҳақида сукут сақлаган. Аммо ушбу тадқиқотда, маълумотларнинг жуда оз миқдорда мавжудлигига қарамай, қадим замонлардан буён Ўрта Осиё халқлари аёллари таълими ва тарбиясининг тарихини ўрганиб, бу жараённинг илмий аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилинган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврлардан қолган бой мероси деярли бутунлай халқ ижодига асосланган ва улар меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва адолатпарварликка бағишланган. Бу манзарани, аёллар энг яхши анъанавий кўшиқлар, гўдақлар учун аллалар, эртак ва афсоналар, кичик ва катта шеърларни авлоддан-авлодга ўтказишда асосий воситачи ёки боғловчи ҳалқа бўлганликларида кўришимиз мумкин.

Қадимги даврларда Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи аждодларимизнинг зардуштийлик вужудга келган пайтдан бошлаб шаклланган педагогикаси тарихида аёл эркак билан бир хил мавқега эга бўлган ва қисман ҳатто уй тутиш ва болаларни тарбиялашда баъзи афзалликлар улар томонга ўтган. Тарбия мактаби ва қисман таълим ҳам аёл етакчи бўлган оиладан келиб чиққан.

“Аёллар Эроннинг қадимги тарихида” номланган китоб муаллифининг таъкидлашича, “Кўчманчи турмуш тарзи, деҳқончилик, одамларнинг серҳосил ерларни қидириб айланиб юриши, уларнинг зўравонлик ва қон тўкилишлардан қочиши, аста-секин эркакларни мудофаа кучига айлантириб, аёлларни болалар боқувчиси ва тарбиячисига, қабила раҳбариятидаги оқсоқолларнинг буйруқларини бажарувчисига айлантиради”.

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаги айрим шеърӣ хикматлар ҳамда бошқа манбалар орқали етиб келган асотирлар, кўшиқлар, мақоллар ва топишмоқлар, шунингдек, «Манас» «Дада Кўрукут», «Алпомиш» сингари эпосларидаги таълим-тарбияга доир фикрлар аждодларимиз педагогик қарашларининг ифодалари ҳисобланади.

Бундан ташқари, «Тўнжук», «Билга-ҳақон», «Қултигин» ёдномалари ва «Ирк битиг» сингари ёзма ёдгорликларда ҳам туркий халқларнинг жуда қадим замонлардаги педагогик қарашлари ўзига хос тарзда акс этган. Бу педагогик қарашлар мазкур халқларда умумий сифатлар ва хусусиятларнинг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутган.

Ўрта асрлар ҳунармандчилигида нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам ишлаган деган маълумотни тахмин қилиш мумкин. Маҳорат санъатига эришиш учун таълимни ҳамма эгаллаши мумкин эди. Мусулмон аёллар ўқиш ва касб-ҳунар таълими қобилиятларидан ажралмаган. Бу ўрта асрларнинг тарихий асарларида ҳам таъкидланган.

Жумладан, XI аср ўрталарида тузилган "Тарих-и Байхаки" асарида асрнинг биринчи ярмидаги воқеалар ва ҳодисаларни акс эттирувчи қисмида аёлларнинг ҳунармандчиликдаги улкан мавқеи ҳақида маълумотлар берилган.

Худди шундай ҳикоялар, худди ўша даврда яшаган Абу Саид Мейхенейскийнинг таржимаи ҳолида ҳам учрайди. Ушбу асарлар ўша давр хунармандлари ҳақидаги барча маълумотларнинг бебаҳо манбаи ҳисобланади. Тарихчилар кўпинча “аёл йиғирув хунармандчилигини ва қисман тўқувчиликни деярли монополлаштирганини” таъкидлайдилар.

Маълумки “Авесто” ўз моҳиятига кўра диний асар, аммо у инсониятда табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиб, она-заминга табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида қарашни ўргатади. Шу сабабдан, асарга нисбатан нафақат ўтмиш аждодларнинг диний мероси сифатида қараш, балки қадим тарихи, маданияти ва тафаккур тарзини ўрганиш учун жуда муҳим бўлган бебаҳо ва тарихий манба сифатида қараш тўғри бўлади.

“Авесто” қадимги аждодларимизни ўзига хос қадрият ва урф-одатларининг моҳиятини теологик-фалсафий асосда акс этган. Унда “мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаясна қонунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман”, деган фикрлар келтирилади. Демак, зардуштийликда иймоннинг уч таянчи: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги ва амалларнинг инсонийлиги таълимотнинг асосини ташкил этади. Бу қарашлар шахс тарбиясида муҳим омил саналгани боис, “Авесто”да таълим, тарбия, ахлоқ, инсоннинг маънавий камолот даражаси махсус ўрганилганлигини қайд этиш лозим бўлади.

Маълумки “Авесто” ўз моҳиятига кўра диний асар, аммо у инсониятда табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиб, она-заминга табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида қарашни ўргатади. Шу сабабдан, асарга нисбатан нафақат ўтмиш аждодларнинг диний мероси сифатида қараш, балки қадим тарихи, маданияти ва тафаккур тарзини ўрганиш учун жуда муҳим бўлган бебаҳо ва тарихий манба сифатида қараш тўғри бўлади.

“Авесто” қадимги аждодларимизни ўзига хос қадрият ва урф-одатларининг моҳиятини теологик-фалсафий асосда акс этган. Унда “мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаясна қонунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман”, деган фикрлар келтирилади. Демак, зардуштийликда иймоннинг уч таянчи: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги ва амалларнинг инсонийлиги таълимотнинг асосини ташкил этади. Бу қарашлар шахс тарбиясида муҳим омил саналгани боис, “Авесто”да таълим, тарбия, ахлоқ, инсоннинг маънавий камолот даражаси махсус ўрганилганлигини қайд этиш лозим бўлади.

Буюк шоир ва гуманист Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома" достонида мардлик ва жасорат билан ҳеч қандай тарзда эркаклардан кам бўлмаган ва уларга қарши курашга чиққан кўплаб аёлларнинг образини яратган. Масалан, Гурдофарид аслида Рустам исмли қаҳрамоннинг қизи эди. Унинг бошқа қизи Бонуи Гуштосп Гевнинг рафиқаси эди.

Достонда унинг исми ҳам тилга олинган. Унинг учинчи қизи ҳам бор эди – Зарбону ва у ҳам жасорат бобида сингилларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди.

Шарқ уйғониш даврда аёлларга эътибор, уларнинг таълим ва тарбияси хилма-хил жанрдаги оғзаки ва ёзма ижод намуналарида ўз аксини топган. Масалан, машҳур ҳинд қомуси «Калила ва Димна», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рўшноинома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон» каби асарларида аёлнинг жамиятдаги ўрни, оила тарбияси, каби масалалар ижтимоий турмушнинг энг муҳим масалалари сифатида талқин этилади.

Жумладан, «Калила ва Димна»да мажозий, аллегорик образлар воситасида ҳаётдаги салбий кўринишларга қарши ўт очилади, инсонпарварлик, ақл-идрок улуғланади.

Аёлларни жамиядаги ўрнига фалсафий ёндашувлар асосида алоҳида ўрғу берилади.

Таълим олган аёллар жамиятда қандай куч эканлиги тасвирланади. Кишилик жамоасининг қайси босқичи олиб қаралмасин, хиёнат ва жиноят, пасткашлик, иғво, фиқҳ-фасод, золимлик, мунофиқлик инсон зотини улуғлаган эмас. Аксинча, бундай ахлоққа зид нуқсонлар тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлган, жамиятнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлган.

Маълумки, Ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккирлари ўзларига қадар мавжуд бўлган барча илм-фан ютуқларини ўзлаштириб, деярли ҳамма соҳаларда илмий асарлар яратдилар, бу билан ҳам кифояланмай, мавжуд илмларни тасниф қилдилар, хорижий тиллардаги машҳур асарларни араб, форс ва турк тилларига таржима қилиш ишлари билан шуғулландилар. Шундай хизматлари билан «ягона минтақа маданияти» деб аталиши мумкин бўлган тарихий янги жараёнга асос солдилар. Ўз навбатида ушбу тарихий жараён бошқа халқлар илм-маърифатига кучли таъсир этиб, Уйғониш даври деб аталувчи улкан маърифатпарварлик даврининг бошланишига асос бўлди. Шундай тарихий даврда, аёллар таълим тарбияси жамиятнинг эътибор марказидан ўрин омаслиги мумкин эмас эди.

Шунинг учун ҳам, биз Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фарғоний каби буюк қомусий олимлар асарларида, уларнинг илмий-назарий таълимотларида таълим-тарбия масалаларига, жумладан аёллар таълимига кенг ўрин берилганига, чунончи, тарбия муаммоларига жаҳон маданияти мезонлари билан ёндашилганига гувоҳ бўламиз ва англаган ҳолда ўшбу маълумотларни янада чуқур ва теран ўрганиш мақсадида янаги илмий илмий изланишларга қолдирдик.

Массагет қабиласининг маликаси Тўмарис, Парфия халқининг қизи Родогун. ҳақидаги Геродотнинг ҳикоялари, тарихчи Наршахийнинг 20 йил давомида араб босқинчиларига қарши донолик билан қаршилиқ кўрсатган малика Хотун . ҳақидаги ҳикояси аёлларнинг жисмоний тайёргарлиги, фаоллиги, ватанпарварлигининг ёрқин намунасидан далолат беради. Улар шахсан ўзлари жанг майдонига отларида қилич кўтариб, ўзларининг халқига ҳамдардлик билдириб, майдонда жасорат кўрсатганлар.

Қадимги аёллар кўпинча тезювар отларда пойга қилиш каби спорт турлари билан шуғулланишган. Ўша пайтда камондан отиш, отда юриш ва қурол ишлатиш санъати болаликдан аёллар учун одатий жисмоний машқлар эди . Насронийлик илоҳиётчиси Александриялик Клемент шундай ёзади: "Саклар аёллари учиб кетишганида, эркаклар каби орқага ўгирилиб, отларидан ўқ уздилар" . Ушбу мисоллар қадимги даврларда маҳорат мактабларининг даргоҳида қизлар ва аёлларнинг фаол таълим-тарбия олишларидан дарак беради.

Қадимги даврларда аёлларнинг доимий жанговар тайёргарлигини археологлар томонидан Кавказ, Туркманистон, Ўзбекистон ва Қирғизистондан топилган топилмалар билан ҳам баҳолаш мумкин. Ушбу дафн маросимларида аёллар жасадлари қолдиқлари ёнидан қуроллар ҳам топилган . Милоддан аввалги I асрда яшаган Рим тарихчиси Помпей Трог скифлар кучли қудратга эгаллиги каби улуғвор ҳам бўлганлигини ёзган. Улар Парфия ва Бактрияга, уларнинг хотинлари – Амазонлар қироллигига асос солишган. Скифлар ҳар доим энг қадимги қабилалар деб ҳисобланган ва улар қадимлиқ борасида мисрликлар билан баҳслашишган .

Кўплаб археологик топилмалар от спортида аёлларнинг устунлигини кўрсатади.

Қора-кулранг отга миниб, чап кўлида жиловни ушлаб турган аёлнинг кўлидаги ташқи томонидаги ёзувда, "олижаноб хоним" деб ёзилган, шунингдек, от спортида зодагон аёлларнинг устунлигидан далолат беради .

Қадимги Панжикент деворларидан топилган деворий расмда, кўлларида қилич билан икки жангчи ўртасида бўлиб ўтган дуэл тасвирланган, улардан бири нақшли либос, шим ва бошига дубулға билан қалпоқ кийган аёлдир. Ушбу тасвир жанг майдонида аёлларнинг жасорати ва шижоати ҳақида маълумот беради. Археологлар томонидан камон, ханжар ва найзали аёлларнинг тасвири ҳам топилган .

Камондан отиш, от спорти ва жанг майдонларида аёлларга қаршилик кўрсатиш кийин эди. Баъзи аёллар эркаклар зириҳини кийиб, қўшинни бошқарганлар. Улар кўлларида байроқ ушлаб рақибларга жасорат билан хужум қиладиган мукамал ҳарбий кўмондонлар эдилар .

Қадимги даврлар тарихини объектив ўрганиш асосида Шарқ аёлларининг таълим дастури хилма-хил ва қизиқарли бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Шарқнинг асосий урф-одати ва яхши тарбия атрибути ҳисобланган уй ишларини олиб бориш, болаларни тарбиялаш ва кекса оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш билан бир қаторда, аёллар овга чиқиб, уйларини душман хужумларидан ҳимоя қилганлар ва булар барчаси жисмоний чиниқишни талаб қилган. Ёш қизлар тикишни, расм чизишни, санашни билар, шунингдек мусиқий қобилиятларини ривожлантирар, мусиқа асбобларида чалиб, қўшиқ айтардилар.

Археологик ва ёзма материалларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, антик даврда профессионал устахоналар ва мусиқа мактаблари кенг тарқалган. Интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш учун кўплаб аёллар шахмат ва нарда ўйнашган, шеър ёдлаган ва қўшиқлар яратган.

Европалик шарқшунос олим В.В.Бартольд ўзининг монографик асарларида шарқ аёлларининг таълим-тарбия борасидаги фаолиятини алоҳида ўрганган. Қадимги замонлардан аёл-она сифатида оилавий таълим- тарбия асосида фарзандларига фолклор асарлар- эртақлар, шеърлар ва чистонлар орқали маънавий озуқа бериб келишган.

Кейинчалик ёзув пайдо бўлиши билан биринчи адабий асарлар вужудга келган, уларнинг яратилишида эса аёллар ҳам эркаклар билан шуғулланишган .

Исломгача бўлган даврда яратилган ёзма ёдгорликлар “Авесто” китоби ва туркий халқларнинг қадимий тошбитиклари соф педагогик характерга эга эмас. Уларда адолатлилик, одоб, ватанпарварлик, садоқат ва бошқа ахлоқий сифатлар ҳақида фикр юритиладики, бу мазкур ёдгорликларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган манбалар сифатида қараш имконини беради. Жумладан, “Тунюқук”, “Билги-Ҳокон”, “Қултегин” ёдномалари ва “Ирқ битиги” сингари ёзма ёдгорликларда туркий халқларнинг жуда қадим замонлардаги педагогик қарашлари ўзига хос тарзда акс этган. Ислом даври манбалари қадимги даврга нисбатан бекиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Айнан Ислом давридаги педагогик фикрлар ва аёллар ҳақидаги тарихий маълумотлар жуда кўп шарқшунос олимларнинг қизиқишларига сабаб бўлган. Ислом дини турли минтақаларда турлича талқин этилган, шу сабабли ҳам тадқиқотчилар бу давр тўғрисида қизиқиш билан тадқиқот ишларини олиб борганлар, чунки қарама-қарши ғоялар кўп бўлиб, улар олимлар томонидан ҳар хил талқин этилган. Ушбу тадқиқот ишимизда уларнинг педагогик фикрларини тизимлаштиришга ва умумий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Туркистонда маърифатчилик ҳаракати ғояларининг жамиятга кириб бориши жараёни ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Бу ерда аввало, рус чоризмининг геосиёсий мақсадлари ортидаги ҳаракатлар, кейин, жамиятдаги миллий ўйғониш доирасида ҳаракатга келган кучлар умумий мақсад, яъни жамиятда маърифатни ривожлантириш учун интилишлари каби жараёнларнинг бир пайтда кечиши кўзга ташланади. Бинобарин, ушбу мавзунинг ёритиш давомида албатта Россия чоризми томонидан амалга оширилган фаолият ҳамда маҳаллий зиёлилар томонидан илгари сурилган ғоялар ва ҳаётга жорий этилган ишлари кўриб чиқилади.

Айтиш лозимки, ҳар иккала томондан ҳам маърифат нурлари учун кураш олиб бориладиган экан, таълим масаласи ва унинг доирасида аёллар таълимига эътибор тобора кучайиб бориши сезилади. Демак, аёллар таълим-тарбияси ҳаётнинг долзарб масаласига айланиб, диний ва дунёвий таълимни замон руҳига мослаштириш зарурати замондошларнинг вазифаси бўлган эди.

Ўрта Осиёнинг биринчи маърифатчилари қаторига А.Дониш, С.Айний, М.Бехбудий, А.Қодирий, А.Шакурий, Ф.Хўжаев, А.Фитрат, И.Ибрат, М.Саиджонов, Ажзий ва бошқалар киради. Улар гуманистик ва демократик тамойилларга асосланган янги жамият қуриш, шунингдек, мусулмонлар халқ таълими ислохотларини ўтказиш, иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш ва бошқа кўп нарсаларни қўллаб-қувватладилар. Аста-секин таълимий ғоялар кенг тарқалиб, халқ томонидан қўллаб-қувватлана бошлади. Энди зиёлилар хотин-қизлар таълими масаласини янада очиқроқ айтиш, фаоллаштиришни бошладилар.

Жадидчилик ҳаракатининг таниқли шахсларидан бири Аҳмад Дониш эди. У Бухорода, оиланинг барча аъзолари учун таълим жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган оилада туғилган. А. Дониш араб тилини мукаммал билган ва хаттотлиги яхши бўлган, шеърлар ёзган, тарихга эҳтироми бўлган. 1857 йилда у Бухоро амирлиги элчихонасининг котиби сифатида Санкт-Петербургга қилган сафаридан сўнг рус маданияти ва дунёвий фанларни ўрганишни тарғиб қила бошлади. У биринчи марта рус аёлларини кўриб Ўрта Осиёлик мусулмон аёллардан жуда фарқ қилаётганини таъкидлаган.

Аёл ҳақида гапириш қатъиян ман этилган бир пайтда Аҳмад Дониш аёлнинг ҳаётидан пардани олиб ташлайди ва бошқаларга аёллар ҳуқуқларини янада жасорат билан ҳимоя қилишга имкон яратади. Гарчи унинг асарларида шарқ аёлларини ўқитиш бўйича ҳеч қандай махсус чақириқлар бўлмаса-да, аммо Россиянинг маданиятли ва ўқимишли аёлини мақташ ва уни мусулмон аёл ҳаёти билан таққослаш Ўрта Осиё адабий доираларида янги давр аёллари тарбияси ва таълими тўғрисида гапиришга замин яратади.

Бу даврда, 1883 йили жадидларнинг “Таржумон” газетаси саҳифаларида биринчи марта мактаб масаласи кўтарилди. Халқ таълими тўғрисида қизиқарли ва мазмунли ҳикоялар нашр этила бошланди. Садриддин Айний мактаб ҳаёти билан танишиб, кейинчалик Туркистон ўлкасининг мактаб ҳаётига тўлиқ кириб боради ва дарсликлар ҳам ёзади.

Ёзувчи сифатида С.Айний ҳаётининг қизлар мактабида ўқиган даврини жуда қизиқарли тасвирлайди. У мусулмон аёлларининг тақдирдан қаттиқ хавотирда эди. Ўз асарларида аёллар қиёфасини акс эттирган ҳолда, аёллар улушига тушган бахт ва бахтизликларнинг ижтимоий ва маданий шартларига таянган.

1899 йилда ижодий фаолиятини бошлашдан олдин Бехбудий Ҳаж зиёратига борди ва 1903-1904 йилларда Санкт-Петербург, Москва, Қазон, Оренбург, Қрим, Туркияга ташриф буюрди. Кейинчалик у ўзининг барча таассуротлари ва хотираларини “Ойна” газетасида эълон қилади.

Архитектура, иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги барча кўрган нарсаларидан ташқари у ушбу мамлакатлардаги аёлларнинг мавқеига эътибор беради. У ўзи кўрган тараққиётни ва унда кузатилган салбий томонларни таҳлил қилади. Тез-тез маҳаллий газеталар саҳифаларида аёллар учун таълимнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, барча маблағларни таълим учун сарфлашга чақиради. У қизлар учун таълим ўғил болаларникидан кам эмас деб ҳисоблаган.

Беҳбудий аёлларнинг шахсиятини тан олишга эътибор бериб, аёллар энг юксак ҳурматга лойиқлигини таъкидлаб ёзган эди: “Аёл бу инсоният билан боғлиқ шахсдир. Аёл мутафаккирларни дунёга келтиради, тарбиялайди ва буюк шахс даражасига етказди.

Аёллар энг юксак эҳтиромга сазовордир. Уларга эркинлик бериш, таълим олиш имкониятини бериш керак ва бунинг учун уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш керак. Шариат аёлларга билим олишларини тақиқламайди, аксинча, уларни қаттиқ қўллаб-қувватлайди”.

Абу Али ибн Сино эса, ўзининг «Донишнома» асарида она алласининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Боланинг талабини қондирмок учун унга икки нарса қўлламок керак: Бири – болани секин-секин тебратиш, иккинчиси- уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа-аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади» деб ёзади.

Ўрта Осиёда аёллар таълим ва тарбияси масаласини ўрганиш, қадимги даврлардан бошлаб шўро ҳокимияти ўрнатилгунга қадар бўлган даврга комплекс ёндашиш ушбу тадқиқотнинг илмий янгилиги бўлиб, манбалар асосида аёллар таълими жараёнининг энг муҳим нуқталарини, уларнинг илм-фан ва таълимдаги ролини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизлар таълими ва унинг ёритилиши бугунги кунга қадар муаммо сифатида қаралар эди, ушбу тадқиқот иши орқали биз маълумотларни мукамал ўрганиш ва шу асосда педагогика тарихини бойитишни мақсад қилдик.

Бундан кейинги илмий ишларимизни давом эттирган ҳолда, ўрганилган манбалар асосидаги маълумотларни дарслиklarимиз ҳамда дастурларимиз мазмунига сингдиришга ҳаракат қиламиз, аёллар таълими ҳақида уларнинг бугунги кундаги ўрни ҳамда мавқеи ҳақида адабиётларимизда батафсил маълумотлар беришни мақсад қилдик.

Бу изланишимизнинг асосий сабаби, ютбошимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар-хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда жамиятдаги мавқеини кўтариш масалаларининг асосий вазифалардан бири этиб белгиланишидир.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мазмунидаги давлат дастурлари, лойиҳалар ва шу масаладаги олиб борилаётган ишлар тақсинга сазовордир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон. , 213-модда, 22- сон, 406-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 23-сентябр, 13-16-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-

- сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2020 й., 07/20/4623/0220-сон, 13.06.2020 й., 07/20/4749/0758-сон.
4. Айнӣ Б. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе, «Адиб», 1987, – 240 б.
  5. Бартольд В.В. Сочинения. Том II, часть 1. – М.: «Издательство Восточной литературы», 1963 – 1020 б.
  6. Джалилов А.Д. Из истории положения женщин Средней Азии до и после распространения ислама. – Душанбе: «Ирфон», 1974. – 43 б.
  7. Тавалло., Тошкандлик бир муаллима. На учун ибрат олмаймиз? // Садои Туркистон. - 1914. -№ 11.
  8. Фатҳиддинзода З. Хукуки нисвои // Садои Туркистон, - 1914. – 12 ноябрь.
  9. Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа‘фар ан–Наршахи. Та’рих–и Бухара. (История Бухары). Перевод, комментарии и примечания Ш.Б. Камолиддина. Археолого–топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. – Ташкент: SMIA – SIA, 2011. – 600 б.
  10. Баженова Л.В. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – III в. н.э.) Хрестоматия под ред.. Ташкент ГИ Уз.ССР, 1940 г. – 172 б.
  11. Джалилов А.Д. Из истории положения женщин Средней Азии до и после распространения ислама. – Душанбе: «Ирфон», 1974. – 43 б.
  12. Исмоилбек Гаспиринский. Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош. Симферополь. 1898.
  13. Маҳди Иқболии Занон дар торихи кӯҳани Ирон. Маҳдиобод, Пардисон, 2004. –66 б.
  14. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М.: «Наука», 1970. – 288 б.
  15. Салаева М.С., Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий – педагогик асослари. Автореферат 2019 й.